



## МОВАРАУННАХР ВА ХУРОСОН КАРВОН – САРОЙЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ВА ЛОЙИХА ЕЧИМЛАРИ.

Гулямова Наргиза Хикматовна – Тошкент Кимё халқаро университети доцент в.б.,  
n.gulyamova@kiut.uz. +99890-816-07-84

*Аннотация: Мақолада энг аввало Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидағи карвон-саройлар типологияси, улардан фойдаланиши, таъмирлаши ва замонавий мақсадлар учун мослаштиришига бўлган эхтиёжлар масалалари кўриб чиқилади.*

*Аннотация: в статье рассматривается типология караван сараи в исторических городах Узбекистана, их использование, реставрация и приспособить для современных целей.*

*Annotation: The article discusses the typology of caravansaries in the historical cities of Uzbekistan, their use, restoration and adaptation for modern purposes.*

*Калит сўзлар: Караван-дворец, типология, қалъа, рабат, минора, арка, галерея, ховли, минора.*

*Ключевые слова: Караван-дворец, типология, крепость, рабат, башня, арка, галерея, двор, башня.*

*Key words: Caravan palace, typology, fortress, rabat, tower, arch, gallery, courtyard, tower.*

Архитектура типологияси бу - ҳар қандай даврнинг юқори ривожланган меъморчилик белгилардан бири ҳисобланади. Бу берилган ғояларни иншоотларга қўллашдаги изланишлар, тажрибаларини уларни функцияси ва иксодий ечимдаги синтезидир. Бу борада карвон-саройларнинг типологияси ўзига хос характерга эгадир.

Тарихий маълумотлардан бизгача етиб келган Мовороуннахр ва Хурросон карвон-саройларининг типологияси ўзгача услубга эга.

Ўрта ва яқин шарқ мамлакатларида халқаро карвон савдосининг ривожланиши қадимданоқ карвонлар йўлида жойлашган аҳоли яшаш жойлари, шунинdek уларга узвий боғланган худудлар ландшафтига хос бўлишига боғлиқ бўлиб, чўл ва дашт зоналарида ҳам тўхташ ҳовлиларни яратиш вазифасини илгари суради. Улар карвонлар хафсизлигини таъминлаш ва савдо функцияларига яхши таъсир қилиши керак бўлган.

Аммо биз антик давр карвон-саройлари ҳақида билмаймиз. Ўрта Осиёнинг ҳамма маконларида, Буюк ипак йўли трассаларида олиб борилган археологик текширишлар натижасида улар аниқланмаган. Шунга асосан айтиш мумкинки, эрамиздан аввал ва кейинги биринчи асрларда бу вазифаларни савдо йўллари бўйлаб қўп микдорда жойлашган

шахарлар, ахоли жойлари, ҳарбий иншоотлардаги ва савдо худудларидаги бинолар бажарган.

Илк ўрта 5-8 асрларда йўл ёқасидаги тўхташ жойларида ҳовли маҳсус турдаги карвон-саройлар ҳам ноъмалум. Бироқ бу даврга шартли равишда “қалъа-работлар” деб номланган маҳсус қурилмалар таълуқли. Ўз даврида бир неча олимлар бу иншоотларни шаҳар зонасини ўраб олган, кўчманчиларга қарши қўриқлаш иншоотлари деб айтиб ўтишган. Аммо улар бошқа вазифани ҳам бажарган деб айтишга асос бор. Уларни архитектураси маҳалий феодал –дехқонлар қалъа-хўжаликлари билан яқинлашиб кетган. Бу борада, мисол қилиб, олимлар томонидан 50-йиларда ўрганилган Марвдан Амугача бўлган йўлда Қорақум худудида жойлашган 8-асрга оид Ал-Тахмалаж роботини айтиб ўтишимиз мумкин. У тарҳда квадрат шаклда ва киравериши аркалар ва тўққизта гумбаз тўшалган сим ёғочлар билан бўлинган каттагина бўшлиқдан иборат. Ташқаридан қараганда, худди бу, Марв воҳасига хос баланд платформали ва гофрали деворлар, аммо тарҳнинг ички ташкил этилиши кўп сонли инсонлар ва уларнинг мулкини сақлашга мўлжалланган мустаҳкам бошпанадан иборат. Юк ташувчи жонворлар учун эса девор билан ўралган жойлар ишлатилган. Бу бироқ қароқчилар хужумидан ҳимоя қилиш имконини бермаган.

Бу ҳимоя вазифаси ва яшаш жойини яхшилашни ҳал этиш учун барча савдогарлар, жониворлар ва юкларни туриш хафсизлигини таъминловчи йўл ёқасидаги маҳсус иншоотлар қуриш орқали амалга ошириш мумкин. Уни ҳал этишга кейинчалик эришилди. Шу давргача Ўрта Осиёни IX асрдан олдинги карвон-саройларнинг архитектура типи хақида тўлиқ маълумотлар кўп эмас. Аммо шу асрдан бошлаб унинг типологияси фаол ривожлана бошлайди, бу эса XI-XII асрларнинг қатор ёдгорликларида акс этган.

Бу типнинг ўрнатилиши XVII-XVIII асрларда араб босқинлари асоратларни енгиб ўтишдан сўнг ислом даврда рўй беради.

Тарихдан маълумки бу босқинчилик жараёнида араблар жангчиларни ҳимоя қилувчи ишончи” работлар қуришни бошладилар. Лекин 9-10 асрларда Аббосий даврида босиб олинган мамлакатларга нисбатан бўлган сиёsat кескин ўзгарган, халифалик бошқарувини маҳаллий ахолига бериш ва солиқ-хирож олиш билан кифояланган даврда халқаро алоқа қилиш зарурияти туғилди. Халифалик даврида бу алоқа барча ислом мамлакатларини бирлаштирувчи энг яхши омил хисобланган. Ироқдан то Қозогистоннинг шимолий-шарқ чўлларигача бўлган худудларда савдо-сотиқни ривожлантириш учун энг яхши шароит пайдо бўлди. Буларнинг хаммаси архитектурада карвон-саройларнинг мақсадли маҳсус типларини яратиш масаласини қўйди ва бу масала ижобий ҳал этилди.

Энг аввалида меъморлар ғояларни рабодлардан эмас, араб қурилишидаги қасрлардан олдилар (Усей, Кибрай, Ал-Мафгар). Бу қасрлар квадрат шаклида, ички ҳовлиси параметр бўйича хоналар жойлашган. Бироқ Ўрта Шарқ меъморлари уни карвон-сарой функциялари учун қайтадана ишлаб чиқишиди. Хужумлар хавфидан мустаҳкам ҳимоя яратилди. Шу сабабли ташқи деворлари баланд, бурчакларида (гохида оралиқ) айланма миноралар ва пештоқ билан ажратилган ягона мустаҳкам кириш йўли қурилди. Юк ташувчи жониворларни сақлаш учун ички ҳовлидан фойдаланилган, ёғингарчилик мавсумида эса ёпиқ холдаги бошпана ва унга боғланган галерея ишлатилган. Йўловчилар яшashi учун ётоқхоналар, овқатланиш хоналари, ибодат қилиш учун жойлар, мол-мулклар учун эса - маҳсус омборхоналар қурилган.

Шундай қилиб, бу ерда ҳамма нарса амалий функцияларга бўйсундирилган. Бундан келиб чиқиб, типологик схеманинг яккалигида лойиҳалашнинг бир қанча асосий варианtlари ишлаб чиқилган.

Хурросон ва Моварануннарҳ ёдгорликлари мисолида уларни кўриб чиқамиз:

1. Ҳовли деярли бир хил типдаги хоналар билан эгалаб олинган-хужралар, бурчакларда миноралар, бош фасад ўқида туртиб чиқувчи аркали пештоқ мавжуд. (Ўрта аср Пойкент шаҳарчасида археологлар томонидан топилган 9-аср карвон-саройи).

2. Туар жой хужралари, умумий фойдаланиш хоналари дифференцияси билан (емакхона, меҳмонхона), шуниндек юк ташувчи жониворларни жойлаштириш ва молларни сақлаш учун жойлар бўлган (Дофистон шаҳарчасидаги карвон-сарой, Ал Асқар ва Оде – Мерган, Хоросондаги работат –Карим).

10-12 асрларда уларнинг айримлари ўқлар билан бирлаштирувчи айвонлари, гоҳида ҳовлини бирлаштирувчи галерия билан қамраб олинган (12-асрдаги Амулдан Хоразмга бориладиган йўлда жойлашган Доя-хотин).

3. Ягона квадрат контурдаги учта ҳовлини композиция: олдинги симёғочлар ва омборхоналари билан кўндаланг - чўзилган ҳовли унинг кетидан ўқда квадрат қурилма хонналари билан, гумбаз билан бирлаштирган айланма йўлак ва марказий саккиз қиррали симёғочдаги ротанда, икки томонида бурчакларида хоналар жойлашган иккита узайтирилган ҳовли мавжуд. (Бухородан Самарқандга бориладиган йўлдаги Работи-Малик, 1078-1079 йилар)

4. Иккита ҳовлини композиция: узайтирилган тарх, олдинги ҳовли юк ташувчи жониворлар ва омборхонага мўлжаланган, иккинчи ҳовли эса - яшаш ва умумий фойдаланишга мўлжаланган. Иккала ҳовли ҳам галерея типида ўраб олинган хоналар, ўқларга нисбатан тўртта бирлаштирувчи айвон қурилган. (Нишопурдан Маврга бориладиган йўлдаги Работ Шариф ва Маврдан Амулга бориладиган йўлдаги Ақча-калон, 11-12 аср)

Маълумотлардан кўришимиз мумкинки, тарҳда аниқ шаблон йўқ, ҳар бир объектда аниқ, гоҳида сезиларли фарқлар мавжуд. Улар ягона архитектура формулаларни ишлаб чиқишида ҳам пештоқлар, айвонлар, галерея бу формулярнинг умумий кўринишида намоён бўлади.

Меъморчиликнинг индивудалиги эса ҳашаматли карвон-саройларда улар формасини ишлаб чиқишида, бўлинишда декорида айниқса катта меъёрларида намоён бўлади .

Карвон - саройнинг функциясида алоҳида аҳамияти бу архитектуравий ишлаб чиқишида аниқликни белгилайди. Бош фасад композициясида пештоқ ва бурчакдаги миноралар ажратиб ўтилган, деворлар гоҳида гофралар билан ишлаб чиқилган. (Работи Малик, Ақча қалъа).

Ҳовлилар архитектоникасини ўқлардаги галерея ва айвонлар аниқлади. Фақат айримлари пишиқ ғиштдан ишланган фигурали декорацияга эга (Работи Малик, Работи Шариф, Доя Хотин).

Хуросон ва Моварауннаҳр карвон саройларининг архитектура типологияси - уни ишлаб чиқишидаги кўринишилар ҳар хиллигининг ғоявий ягоналиги билан намоён бўлади.

Хуросон ва Моварауннаҳр карвон саройларини лойихалашда ҳажмий-фазовий композиция, конструктив усуллар ва декорнинг архитектуравий бирлиги алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга улар ўша даврдаги Яқин Шарқ карвон саройларидан ўзининг юқори қурилиш маданияти ва архитектура мактаби билан фарқ қиласи (Озарбайжон, Анатолия, Алеппо ва бошқа мамлакатлар).

У ерда ҳам ҳовли композициялари бир хил, аммо қурилиш материаллари ва конструктив усуллари, лойихалаш деталлари, архитектура формалари ва шинамлик усуллари кескин ажратиб туради.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Хуросон-Моварауннаҳр архитектурасида туташ марказли ҳовли композиция - ўзининг типологик хоссалари, карвонлар ҳимоясини қониқтирувчи функционалликка эга, йўлчилар туриши учун қулайлиги, юк ташувчи жониворлар сақлашни тўлиқ таъминлаши ва юкларни сақлаш имконини бериш талабларига жавоб берганлиги учун кенг кўламда тарқалди. Буларнинг ҳаммаси карвон саройларнинг Яқин Шарқдаги жамоат бинолари меъморчилигидаги ҳарактерли қурилиш типларининг ўзига хослигини аниқлаб берди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Асқаров Ш.Ж. Тарихий шаҳар сайёхлик объекти сифатида. “Ўзбекистон меъморчилиги ва қурилиши” 1987
2. Немцева Н.Б. “Художественная культура XI-XII веков” 2009 г.
3. Немцева Н.Б. “История возникновения караван-сараев на Великом Шёлковом пути” Журнал. 2009
4. Бабаджанова Г.И., Колбинцев А.П. Маньковская Л.Ю. По древним городам Узбекистана.-М. Профиздат, 1988.
5. Н.Х.Гулямова. Ўзбекистондаги тарихий шаҳар карвон-саройларни сақлаш ва реконструкция қилиш. Магистрлик диссертацияси